

ЭЪЛОН



11:35 / 05.02.2021 1458

Маълумки, islom.uz портали шеърият мулканинг султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида «Арбаъин» номли танлов эълон қилган.

Ушбу танловда рўйхатдан ўтган аёл-қизларимиз ўртасидаги мусобақа шанба, 6 февраль куни соат 10:00 да ўтказилади. Эркаклар ўртасидаги мусобақа эса якшанба, 7 февраль куни соат 9:00 да бошланади. Шу куни ғолиблар ва ғолибалар аниқланиб, мукофотлар ва эсдалик совғалар топширилади.

Эслатиб ўтамиз, танлов икки йўналишда ўтказилади.

Биринчи йўналиш:

- ҳадисларнинг ўзбекча таржимасини айтиш.
- тўртликларни ифодали ўқиш.

Иккинчи йўналиш:

- ҳадисларнинг ўзбекча ва арабча матнини айтиш.
- ҳадиснинг ровийсини билиш.
- тўртликни ифодали ўқиш.

Ҳар икки йўналишда ҳам иштирокчилар билет танлашади. Ҳар бир билетда тўртта рақам бўлади. Иштирокчилар шу рақам остидаги **ҳадис ва тўртликларни ёддан айтиб беришлари керак.**

Ушбу тадбирга рўйхатдан ўтган иштирокчилар киришади.

«Арбаъин» танлови «Ҳилол-нашр» нашриётининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Сўгалли ота 5-уй.

«Арбаъин» танлови мусобақаларини islom.uz порталининг ижтимоий саҳифалари орқали кузатиб боринг.

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом қилсин!